

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЗАРУРИЯТИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11396854>

Пардаева Шахноза Абдинабиевна

“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, PhD

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

+99890-356-84-16 shahnoza.pardayeva.94@gmail.com

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва иқтисодиётнинг модернизациялашуви шароитида, яъни кучли рақобат муҳитида маҳаллий корхоналар ўзларида амалий жиҳатдан самарали бўлган бошқарув ҳисобини ташкил этишга эҳтиёж сезмоқда. Сабаби, хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда фойдаланиладиган тезкор тарздаги иқтисодий маълумотларнинг энг муҳим ва катта қисмини айнан мана шу бошқарув ҳисоби шакллантириб бериши керак бўлади. Шу муносабат билан, бошқарув ҳисобининг моҳияти, таркиби ва унинг фундаментал назарий асослари ҳақида чуқур иқтисодий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж туғилмоқда.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, ҳар бир корxonанинг раҳбари бошқарув ҳисоби тизимини фақатгина ўз мақсадлари асосида ўзига хос шаклда ташкил қилади. Бошқарув ҳисобини жорий этиш кўпинча бутун корхона фаолиятини қайта ташкил этиш билан кечадиган мураккаб вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда бошқарув ҳисобини жорий этишга тўсқинлик қилаётган қуйидаги муаммоларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш вазифасини бажарувчи ходимларни танлаш ва уларнинг малакасини аниқлаш борасидаги қийинчиликлар;

- бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича қуйи бўғин раҳбарлари ва мутахассис-ходимларида тўлиқ тасаввурнинг йўқлиги;

- хўжалик юритувчи субъектда жамоанинг бир бутунлиги, ўзаро ҳурмат ва ёрдам муносабатлари ҳамда тақдим этилаётган маълумот учун масъулият ва жавобгарликни шакллантирувчи ижобий муҳитнинг йўқлиги;

- бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг техник таъминоти бўйича қийинчиликлар мавжудлиги, яъни керакли компьютер техникасининг етишмаслиги, самарали дастурий таъминотнинг йўқлиги ва ҳ.к[1].

Мана шу каби муаммоларни ҳал қилиш бўйича масъулият ҳамда жавобгарлик бевосита хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари зиммасида бўлади. Раҳбарлар (менежерлар) бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга қизиқиш билдириши ва юзага келган ташкилий, психологик ва техник муаммоларни ҳал қилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун бошқарув ҳисоби шакллантирадиган маълумотларнинг ишончлилиги қуйидаги омилларга боғлиқ: бошқарув ҳисоби тизимини яратиш чоғида корxonанинг мақсадлари ва уларни амалга ошириш стратегиялари аниқлик билан инобатга олинганлиги; молиявий жавобгарлик марказлари тўғри танланганлиги; бизнес жараёнларининг технологияси корxonанинг вазифларига ва бошқарув ҳисобининг режалаштирилган тизимларига мувофиқ келиши; харажатларни тақсимлаш тизимининг тўғри танланганлиги; маълумотларни йиғиш ва бюджетни шакллантириш бўйича жавобгарлик тизимини шакллантириш ва горизонтал алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги.

Бошқарув ҳисоби тизимини жорий этишда хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари (менежерлари) олдида юқорида таъкидланган вазифалардан ташқари яна бир қатор масалалар юзага келади: жамоани шакллантириш, муносиб мутахассисларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш зарурияти, жамоанинг янгиликларга қаршилиқ қилишини енгиш, кучли горизонтал алоқаларни ўрнатиш ва самарали тарзда ташкил қилинган, узликсиз бошқариш тизимига ўтиш[2].

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бошқарув ҳисобининг моҳиятини белгилашда қуйидаги иқтисодчи олимларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари эътиборга моликдир :

1-жадвал

“Бошқарув ҳисоби”нинг моҳиятини белгилаш борасида бир қатор илмий мактаблар ва иқтисодчиларнинг фикр-мулоҳазалари⁸

<p>Илмий мактабларнинг номи ва олимларнинг Ф.И.Ш.</p>	<p>Олимлар ва илмий мактабларнинг қарашлари моҳияти ва уларнинг манбалари</p>
<p>Глушков И.Е.</p>	<p>Бу олим бошқарув ҳисобининг моҳиятини оператив тарздаги бошқарув қарорларини қабул қилиш ва пировард натижада корхонанинг келажакдаги юксалишини таъминлаш учун керак бўладиган маълумотларни тизимлаштирадиган сарф-харажат, фойда, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлилнинг интеграллашган тизими сифатида таърифлайди.</p>
<p>Аткинсон Э.А., Банкер Р.Д., Каплан Р.С., Янг М.С.</p>	<p>Бошқарув ҳисобини бир корхона доирасида кечадиган, аниқроғи корхона раҳбарларини улар томонидан тезкор тарздаги бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган режалаштириш ва барча фаолият турларини назорат қилиш бўйича зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш жараёни, деб эътироф этади. Ушбу жараён корхона раҳбариятига ўз фаолиятини олиб бориши учун муҳим бўлган маълумотларни аниқлаш, ўлчаш, йиғиш, таҳлил қилиш,</p>

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

<p>Илмий мактабларнинг номи ва олимларнинг Ф.И.Ш.</p>	<p>Олимлар ва илмий мактабларнинг қарашлари моҳияти ва уларнинг манбалари</p>
	<p>тайёрлаш, умумлаштириш ва улар асосида тезкор тарздаги бошқарув қарорларини қабул қилишни ўз ичига олади. Корхона раҳбарияти учун анъанавий тарздаги бухгалтерия ҳужжатларида мужассам бўлган маълумотларга қараганда бошқарув ҳисоби зиммасига тушаётган ана шундай жуда чуқур деталлаштирилган маълумотлар керак.</p>
<p>Вахрушина М.А.</p>	<p>Бошқарув ҳисобини корхона фаолияти бошқарув тизимини қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган корхона бухгалтерия ҳисобининг мустақил йўналиши сифатида белгилайди. Ушбу жараён корхона раҳбарлари учун муҳим бўлган маълумотларни аниқлаш, ўлчаш, қайд қилиш, йиғиш, таҳлил қилиш, тайёрлаш, интерпретация қилиш, тақдим қилиш ва қабул қилишни ўз ичига олади. Режалаштириш эса қарор қабул қилиш жараёнининг алоҳида тури сифатида битта тадбирга эмас, балки корхонанинг бутун фаолиятига тегишли. Режалаштириш жараёни назорат жараёни билан бевосита боғлиқ. Режалаштириш ва назорат негизини молиявий ва номолиявий маълумотлар таҳлили ташкил қилади. Режалаштириш учун муҳим бўлган молиявий маълумот ҳисоб тизимида йиғилиб, қайта ишланади.</p>

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олган бошқарув ҳисобини жорий этишдан олинadиган натижалар ана шундай ҳаракатлар ва харажатларнинг барчасини оқлайди. Чунки[3]:

- бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, уни юритиш ва натижаларини ҳисобга олишга услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш имконини беради. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектда бошқарув ҳисоби сиёсатининг тўғри шаклланишига эришилади, бу эса пировард натижада ана шу маълумотларга асосланадиган тўғри ва самарали бошқарув қарорларининг қабул қилинишига мустаҳкам пойдевор яратади;

- раҳбарларга ички имкониятларни ҳисоблаш, рақобат тобора кескинлашиб бораётган бозорда ташқи муҳит таъсирини эътиборга олиш ва бунинг учун уларни таҳлил қилиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш имкониятларини очади;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий маълумотларнинг асосланишини таъминлаш, истиқбол кўрсаткичларини тўғри шакллантириш, ҳосил бўлган бир неча вариантлардан энг оптималларини танлаш имкони кенгайди ва пировард натижада корхонада бевосита иқтисодий самаранинг ўсиши таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаева Ш.А. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнал. www.interfinance.uz, №3, 2021 йил, июн.

2. Пардаева Ш.А. Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 2022 йил 2-сон 141-145 бетлар.

3. Пардаева Ш.А. Стратегик бошқарув ҳисобида кўрсаткичлар тизими. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 2023 йил 2-сон. 227-232 бетлар.